



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 238 (12.299)

Баҳоси эркин нарҳда

МДҲНИНГ АШХОБОД САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 декабрь куни Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлди ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Саммит бошланишидан аввал Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг суҳбати бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов дўстона муҳитда, ўзаро ишонч ва очкилик руҳида ўтган суҳбатда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларини, мамлакатларимизнинг МДҲ доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилдилар.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда, хавфсизликни таъминлашда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш кераки, Ҳамдўстликнинг ташкил этилиши янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарихий шароитларда анъанавий гуманитар, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолишдаги объектив зарурат билан изоҳланади.

Ўтган йиллар давомида МДҲ ўзини сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорлик масалаларини халқаро ҳуқуқий воситалар ёрдамида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича сиёсий платформа сифатида керакли ташкилот эканлигини намойён этди.

МДҲ ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги шаклини яратиш, минтақавий ва минтақалараро ривожланиш масалаларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатлари йигирма йилдан ортқ вақт мобайнида ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳамда бугунги куннинг долзарб вазифаларини ҳал қилишда МДҲнинг салоҳиятини мустаҳкамлашга интилиб келмоқда.

Айни пайтда Ашхобод саммити иштирокчилари МДҲ доирасидаги мавжуд кўп томонлама ҳамкорлик механизmlарининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодий ва янада ривожлантиришга, халқлари фаровонлигини таъминлашга эришиш учун Ҳамдўстлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Шундан келиб чиқиб, томонлар бундан кейин ҳам минтақавий ва минтақалараро муносабатлар тизимини шакллантиришда МДҲ ролини мустаҳкамлашга, уни ҳамкорликнинг замон талабларига жавоб берувчи ривожланган ва самарали механизм сифатида қарор топишида кўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Маълумки, бугунги кунда иқтисодий омилларнинг халқаро муносабатларни ривожлантиришга таъсирининг сезиларли даражада кучайиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу боис ижтимоий-иқтисодий масалаларни комплекс ҳал қилишда МДҲнинг иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш биринчи навбатдаги вазифа экани таъкидланди.

Халқаро транспорт-коммуникация йўлақларини яратиш, энергетика ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, экспорт имкониятларини юксалтириш ва сармоявий фаолиятни рағбатлантириш бу борадаги муносабатларни ривожлантиришда энг истиқболли йўналишлардир.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш — МДҲни тўлақонли ривожлантиришнинг муҳим вазифаси эканлиги қайд этилди.

Томонлар Ҳамдўстлик фаолияти ва унинг шартномавий-ҳуқуқий асосини халқаро жараёнларни бошқаришнинг жаҳон таҷрибасини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш бўйи-

ча ҳамкорликдаги ишларни давом эттириш мақсада мувофиқ эканлигини таъкидладилар. Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантириш, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўмаклашиш зарурлигига қатъий ишонч билдирилди.

Саммит якунлари бўйича МДҲ Давлат раҳбарларининг Ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларацияси қабул қилинди. Шунингдек, МДҲда 2013 йилни Экологик маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили деб эълон қилиш тўғрисида, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича илгари эришилган келишувларнинг амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Давлат раҳбарларининг қарорига кўра, МДҲ раислиги Беларусь Республикасига ўтди.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини 2013 йилнинг октябрь ойида Минск шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент-Ашхобод-Тошкент



МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан «Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон тараққиётининг ҳуқуқий асоси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

● **Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллиги муносабати билан кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Абдулла Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида вилоят адлия, ички ишлар, матбуот ва ахборот бошқармалари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари ҳамкорлигида «Конституция — бахтимиз қомуси» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ёшларнинг Асосий Қонунимизга доир билимларини янада бойитишга бағишланди. Тадбирда вилоят умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, устоз-мураббийлар, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

● **Нукусда «Оролбўйи экологик шароитида аграр соҳани ривожлантириш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, кишлок ва сув ҳўжалиги, адлия, иқтисодиёт вазирликлари, банклар, фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда аграр соҳа мутахассислари иштирок этди.**

● **Наманганда «Ёнғинга қарши сув ҳовузларини лойиҳалаш, қуриш ва улاردан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, барча вилоятлар ёнғин хавфсизлиги хизматларининг раҳбарлари, шунингдек, мазкур соҳага дахлдор корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

ЖАҲОНДА

● **Шимолий денгизда ҳалокатга учраган «Болтик эйс» кемаси экипажининг ўн бир нафар аъзоси бедарак йўқолди. Илгари хабар қилинганидек, «Болтик эйс» экипажи 24 кишидан иборат эди. Ўн уч киши кутқарув қайиқларига ўтиб олишга улгурдилар, у ердан уларни Голландиянинг Соҳил бўйи қўриқлаш вертолётлари эвакуация қилди.**

● **Эрон шарқида юз берган zilzila оқибатида чоршанба куни кечкурун камиде беш киши ҳаётдан кўз юмди ва қарийб ўн та одам жабрланди. Ер ости силкинишлари магнитудаси 5,5 балли ташкил этди, унинг эпицентри Жанубий Хуросан провинцияси пойтахти Бирженддан 110 километр масофада жойлашган. Ҳодиса жойига кутқарувчилар бригадаси йўл олди.**

● **Олимлар илк бор динозаврларга тегишли бўлиши мумкин бўлган 243 миллион ёшдаги бир неча суякларни топди. Улар дастлаб 1930 йилда топилган эди ва ўша вақтдан бошлаб Жанубий Африка музейида сақланарди. Палеонтологлар топиб олинган суяклар ҳақиқий динозаврларга хос бўлган тузилиш элементлардан иборат эканлигига эътибор қаратдилар.**

● **Швеция пойтахтида Нобел тантаналари ҳафтаси бошланмоқда. Стокгольм 10 декабрь куни пойтахт филармониясида топириладиган дунёдаги энг машҳур илмий мукофотга тўққиз нафар номзодларни шарафлаш маросимини ўтказди.**

● **Боливияда йўловчи катер ҳалокатга учради, унинг бортида 20 нафар киши бор эди, улар асосан таълим тадбиридан қайтаётган маҳаллий ўқув юртлари ўқитувчилари эди. Ҳозирга қадар учта одам вафот этгани маълум бўлди, қолган 10 кишининг қаердалиги ноаниқ.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
- г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Таъқиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибига қадар бир йилдан ошмаган муддат ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавfli рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибига жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — таъқиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;


г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очик-ошкоралик амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**
Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 декабрь.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Масалани кўриб чиқиш вақтида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги арафасида амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий кадрият бўлган, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини қайд этдилар.

Олий Мажлис Сенатининг Қарориде жазога ҳукм қилинган аёллари, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Шунинг билан бир қаторда Сенат Қарориде яна бир неча тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг амал қилиши таъсир этмайдиган шахслар доираси белгиланган.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабиде «Конституция — мамлакатимиз тараққиётининг ҳуқуқий асоси»

мавзусида семинар бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой туман бўлими ташаббуси билан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабиде

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Давлат техника университети ҳузуридаги 5-сонли академик лицейда «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида кувноқлар ва зукколар беллашуви ўтказилади.

Халқимиз ҳақиқат-иродасининг қонуний ифодаси, давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли кафолати бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганига йигирма йил тўлади. Мана йигирма йилдирки, Конституциямиз тенг ҳуқуқлигимиз ва эркинлигимиз қомуси бўлиб келмоқда. Ушбу шонли йиллар мобайнида Асосий Қонунимиз демократик ҳуқуқий давлатчилик ҳамда адолатли фуқаролик жамияти қарор топишининг, мазкур мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.



Ўзбекистон XXI асрда ўз эрки, хурлигини қўлга киритиб, ислохотлар, туб ўзгаришлар билан жамиятни янгилаш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзи танлаб олган йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Халқимиз учун мустақиллигининг ўтган йиллари сермазмун воқеаларга бой бўлиб, авваломбор бу давр мобайнида миллий давлатчилигимизнинг пойдеворини шакллантириш билан узвий боғлиқ бир қатор савий-ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, ўзида юксак инсонпарварлик гоёларини мужассамлаштирган Ўзбекистон Конституцияси эндиликда ҳаётимиз дастуруламалига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи маърузасида «...мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қонди ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади», — деб таъкидлади.

5. Конституцияда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм (хурфикрлик) институтлари мустаҳкамланган. У фикрлар хилма-хиллиги — плюрализмнинг, кўппартияликни мустаҳкамлаб, тегишли ҳуқуқий нормалар ёрдамида давлат қурилишининг демократик тамойилларини ҳимоя қилишни таъминлашга, жамиятда бошбошдоқлик келиб чиқишига йўл қўймасликка, фуқаролар тинчлиги, сиёсий барқарорлиги, миллатлараро инсоқлик, тотувликни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Юксак ифтихор билан эътироф этиш лозимики, Конституция — халқимиз ижодининг маҳсули, ижтимоий турмушимиз мезони сифатида демократик тараққиёт йўлини белгилаб бермоқда.

Ўтган мустақил тараққиёт йўлига назар ташласак, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз кучига, ақл-заковатига, миллий урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларига таянган ҳолда эришган ютуқларида Конституциянинг роли ва аҳамияти катта эканлигининг ғувоҳи бўламиз. Конституция инсон (фуқаро) билан давлатнинг ўзаро муносабатлари кўламини, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва характерини белгилаб берди. Энг муҳими — Конституция инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига олий юридик мақом бахш этди. Давлат ҳокимияти ўз фаолиятини шундаги ташкил этиши режалаштирилганки, унга кўра — инсон давлат механизмнинг оддийгина унсиз мурвати эмас, балки сиёсий ҳаётнинг

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нуфузи йиллар ўтгани сайин юксалиб бораверди. У суверен давлатчилигимиз моҳияти, жамият тараққиёти эҳтиёжларининг муносиб жавоби сифатида вужудга келди. Унинг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнидаги муҳим қадамдир. Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди. «Конституция биз учун ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас, балки, ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатилишига ҳаётбахш манбаидир».

ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ РАМЗИ

Конституциямизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин камол топиши учун реал шароитлар яратиш ўз аксини топган. «Конституцияда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари мукддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади». Дарҳақиқат, Конституция Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча эркинликлар, сиёсий ҳамда ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берган. Эътироф этиш жоизки, Асосий Қонунимиз «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг барча муҳим қоидалари ва нормаларини ўз мазмунига тўла сингдирган.

фаол иштирокчиси, ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади, жамиятнинг эзгу тилаги ва олий қадриятдир.

Аслида Конституциямиз инсон учун яратилди ва унинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Унда жамки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган гоё илгари сурилган. «Давлат органлари ва мансабдор шахслар, — дейилади Асосий Қонунимизда, — жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун билан ҳимояланади.

Ўзбекистон Конституцияси том маънода чинакам демократик Конституциядир. У тарихда синалган умуминсоний, умумбаشارий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Бундан ташқари, у энг ривожланган, тараққиётли давлатларнинг конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Бу ҳужжат энг илғор гоёларни ўзида жо этганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини эндиликда бутун прогрессив халқро жамоатчилик, турли даражадаги экспертлар тан олмақдалар».

Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоёсига кўра янги ҳужжатдир. Унда жамки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда «фуқаро жамияти» давлати ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимни топилган. Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий ҳаётда инсон (фуқаро) ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор мавқега эга бўлади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади (Конституциянинг 14-моддаси).

Асосий Қонунимизнинг моҳияти, ижтимоий-сиёсий ва юридик табиати унинг қуйидаги асосий хусусиятларида яққол намойён бўлади:

Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари гоёларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларини тан олиш, мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт кечириши таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, шунингдек, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжихатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

1. Ўзбекистон Конституцияси том маънода чинакам демократик Конституциядир. У тарихда синалган умуминсоний, умумбаشارий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Бундан ташқари, у энг ривожланган, тараққиётли давлатларнинг конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Бу ҳужжат энг илғор гоёларни ўзида жо этганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини эндиликда бутун прогрессив халқро жамоатчилик, турли даражадаги экспертлар тан олмақдалар».

Инсон омилига эътиборни кучайтириш ва унинг манфаатларини таъминлашда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу соҳада юртимизда бошқа мамлакатларда камдан кам учрайдиган тизим, яъни ижтимоий шериклик асосида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини уйғун ҳолда йўналтириш орқали самарали натижаларга эришилмоқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТКАШЛАР ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Касаба уюшмалари фаолиятидаги ижтимоий шериклик аввало, меҳнат муносабатлари соҳасида намойён бўлади. Зеро, касаба уюшмаларининг асосий ҳимоя функциялари — бандлик, иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя каби йўналишларда амалга оширилади.

ни ошириш, миллий ўзлигини англаш, уларда юксак маънавиятнинг шакллантириш йўналишларида ҳам фаолият олиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик — бу бозор иқтисодиётигагина хос бўлган ҳамда давлат, иш берувчилар ва ишчилар манфаатлари мутаносиблигини таъминлашга имкон беришчи ижтимоий меҳнат муносабатларининг алоҳида тизимидир. Мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган.

Кунги кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган «Касаба уюшмалари фаолиятида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти» мавзусидаги матбуот анжуманида ҳам шу ҳақда сўз борди.

Матбуот анжумани давомида касаба уюшмалари фаолиятида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси, маданий-маърифий ва спорт ишлари, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан йўлга қўйилган ижтимоий шериклик борасида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, йилгиланлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан тўлиқ жавоб олдлар.

Айтиш кераки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси ўртасида имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Зийда РАСУЛОВА



SAVDOGAR BANK

Чет эл капитал иштирокидаги «Савдогар» очик акциядорлик тижорат банки юртимиз ҳуқуқисига қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютадаги омонатлар:	
Омонат номи:	Муддати:
«Мустаҳкам оила»	12 ой
«Коммунал тўлов»	камида 6 ой
«Ҳазина»	6 ой
«Ёз саховати»	2 ой
«Келажакка сармоя»	6 ой

Хорижий валютадаги омонатлар:	
Омонат номи:	Муддати:
«Комфорт»	3 ой
«Универсал»	6 ой
«Элит»	12 ой

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди томонидан кафолатланади. **Ишончли ва мустаҳкам ҳамкорлик учун — Омонатлар. «Савдогарбанк»** Омонат очиш учун Савдогарбанк филиалларига мурожаат этинг!!! Тел: 8(371) 215-50-29

Хизматлар лицензияланган

КОНСТИТУЦИЯ — АДОЛАТ КАФОЛАТИ

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган боғжона мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан «Конституция — мамлакатимиз мудофаа ва хавфсизликнинг ҳуқуқий кафолати» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда депутатлар, соҳа ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Конституция жамиятда рўй берадиган ҳар қандай сиёсий ва бошқа ўзгаришлардан қатъи назар ҳуқуқий барқарорликни, ҳуқуқий узвийликни таъминлаб келаётгани, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар замирида Конституциямизнинг ҳаётбахш нормалари ётганлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг камолоти, эркинлиги, юксак турмуш даражаси, фаровон ҳаёт кечириши ва фаол меҳнат қилиши учун шароит яратиш Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Асосий Қонунимиз БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг барча муҳим қоидалари ва нормаларини ўз мазмунига тўла сингдирган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа давр мобайнида конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида кенг қамровли ислохотлар ўтказилди ва айни пайтда бу жараён улуғсиз давом этмоқда.

Шунингдек, Асосий Қонунимиз Ўзбекистон давлатчилигининг ривожланишига бекиб ҳисса қўшиб келмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қўлга киритилаётган ютуқларнинг бош омили Асосий Қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асослар эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Тадбирда соҳа мутахассислари мавзу юзасидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб беришди.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ, «Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧК Бошланғич баҳоси омиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади! Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 21 августдаги 10-1210/12463-сонли ижро ҳўжатига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 104-уй манзилида жойлашган умумий ер майдони 10361 кв.м, умумий бино майдони 4417 кв.м бўлган, 1971-1992 йиллар мобайнида қурилган бино такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2'500'000'000 сўм. Аукцион савдолари 2012 йил 24 декабрь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мўмкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 21 декабрь кўни соат 18:00. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган микдорда закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИБ Сағбон Ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

Спорт янгиликлари



Мухаммад Амин (УшА) олган сарфат

СПОРТГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Маълумки, бир неча йилдан бунён шарқ яққаурашлари ва жанг санъати маркази томонидан ўтказиб келинаётган фестивал орқали кўплаб иқтидорли спортчиларимиз кашф этилмоқда. Анъанага мувофиқ бу йил ҳам энг яхшилар аниқланди. Жумладан, муайтай бўйича жаҳон чемпиони Юсуф Иброҳимов ва каратэ бўйича Осие чемпиони Шахзода Ортиқовлар йилнинг энг яхши спортчилари деб топилган бўлсалар, жорий йилда Лондонда бўлиб ўтган ўн тўртинчи Паралимпия ўйинлари иштирокчиси дэюдо бўйича кумуш медали соҳиби Шариф Ҳалилов йилнинг энг матонатли спортчиси дея эътироф этилди. Дэюдо федерацияси энг яхши федерация, шотландия Каратэ-до бўйича бўлиб ўтган Осие чемпионати йил воқеаси, Ўзбекистон хаваскор ва профессионал Муайтай ассоциацияси энг яхши тadbир ташкилотчиси номинациялари қилибларига айланишди. Шунингдек, тadbирда Александр Спиридонова спорт мусобақаларини мунтазам ёритиб келган энг яхши журналист сифатида тан олинди.

Пойтахтимизнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шарқ яққаурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида шарқ яққаурашлари ва жанг санъати саккизинчи фестивали бўлиб ўтди.

Маган эдим. Бу муваффақиятларимни мамлакатимизда спортга берилётган катта эътибор самараси деб билманам ва келгусида бизга билдирилган ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Фестивалда иштирок этган каратэ, у-шу, ўзбек жанг санъати, қўл жанги спорт усталари ўзларининг кўргазмали чиқишлари билан спорт илосмандларида катта таассурот қолдиришди. Жавоҳир ТОШХУЖАЕВ

Шаҳримизда Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқич баҳслари якунланди.

НУФУЗЛИ МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти К. Илюмжинов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида спортнинг барча жумладан, шахмат турини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилётганини таъкидлаб ўтишди.

Ванг Хао қўлга киритган бўлса, учинчи ўрин яна бир россиялик гротсмейстер Александр Морозевичга насиб этди. Кейинги ўринларни италиялик Фабiano Каруана, озарбойжонлик Шаҳриёр Мамедъяров, украинлик Руслан Пономарёв, россиялик Пётр Свидлер, венгриялик Петер Лeko, исроиллик Борис Гельфанд, кубалик Леньер Домингес Перес, америкалик Гата Камский банд этди.

Қарийб икки hafta давом этган мазкур нуфузли мусобақа Халқаро шахмат федерацияси, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Хитой, Италия, Озарбойжон, АКШ, Россия, Исроил, Украина, Куба каби давлатлардан келган 12 нафар гротсмейстер ўзаро куч синашди.

Мусобақа юқори савияда ташкил этилди, — дейди хитойлик Ванг Хао. — Унда муносиб иштирок этганимдан хурсандман. Ўртингизда спортнинг шахмат тури ҳам ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонлик йигит-қизлар спортнинг барча турлари бўйича ўтказилаётган Осие ва жаҳон чемпионатларида, турли халқаро турнирларда муваффақиятларга эришмоқда. Саккиз ёшли ҳамюртингиз Нодирбек Абдусатторов шахмат бўйича Словенияда ўтган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритганини бунга мисол қилиш мумкин.

Ўртинги шарафини ҳимоя қилган Рустам Қосимжонов 11 учрашудан олти очко жамғариб, олтинчи погонани қўлга киритган бўлди. Иккинчи ўринни хитойлик

Таъкидлаш жоиз, ФИДЕ Гран-присини олти халқаро турнирдан иборат. 2012-2013 йилларда ўтказиладиган ушбу турнирлар 2014 йили бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақаси ҳисобланади.

Тadbирда мусобақа қолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг совгалари топширилди. Абдуалим САЛИМОВ

Рейтингларга ихтисослашган Footballtop.ru сайти томонидан дунёнинг энг яхши дарвозабонлари ўртасида уюштирилаётган рейтинг сўровномаси натижалари эълон қилинди.

НЕСТЕРОВ ҲАМ КУЧЛИЛАР ҚАТОРИДА

Унга кўра Испаниянинг «Реал» клуби аъзоси Икр Касильяс дарвозабонлар орасида энг маҳоратли деб эътироф этилган ва биринчи ўринда борайтган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринларни Россия терма жамоаси аъзоси Игор Акинфеев ҳамда Англиянинг «Челси»

клуби дарвозабони Петр Чехлар эгаллашди. Кувонарлиси шундаки, мазкур рейтингда ҳамюртимиз «Бунёдкор» жамоаси ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва посбони Игнатий Нестеровнинг ҳам номи қайд этилган. Рейтингда ҳамюртимиз 12-ўринга лойиқ деб топилган.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҚАНОТ ҲАҚАМИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осие футбол конфедерацияси томонидан йилнинг энг яхши мураббийси, футболчиси, ҳақамини аниқлаш мақсадида ташкиллаштирилган тadbир бўлиб ўтди.

Кувонарлиси шундаки, ўтган йили қиёмизнинг энг яхши қанот ҳақами деб эътироф этилган Абдухамидуллоҳ Расулов жорий йилда яна «Йилнинг энг яхши қанот ҳақами» номинацияси қолиб бўлди.

Эслатиб ўтамиз, мамлакат биринчилигида ҳам, халқаро учрашуларда ҳам ФИФА рефериси Равшан Эрматовга ассистентлик қилаётган Абдухамидуллоҳ Расулов 2014 йилда Бразилияда ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиши мумкин бўлган номзодлар рўйхатида ўрин эгаллаган.

Биз ҳамюртимизни ушбу мукофот билан чин дилдан қутлаймиз. Акбар ЙҮЛДОШЕВ

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида VI «Вақт белгилари: сув кўзгуси» замонавий санъат кўргазмаси очилди. Кўргазма санъатшунос Нигора Аҳмедова лойиҳаси асосида сув ҳақидаги ижтимоий-ахлоқий, фалсафий-поэтик талқинлар мавзусига бағишланди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Швейцария ҳамкорлик бюроси, «JOD» Ўзбекистон расомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида «Epson» техник ташкилоти кўмаги остида ташкиллаштирилган мазкур кўргазма 9 декабрдан 21 декабргача давом этади.

Лойиҳа доирасида миллатлараро мулоқотлар, мунозаралар учун кенг шароит мавжуд бўлиб, ёшлар билан маҳорат дарслари ва лаборатория ишлари ўтказилади. «Вақт белгилари» кўргазмаси иштирокчилари Венеция, Истанбул, Москва ва Боку шаҳарларида ўтказилган биенналеларда ҳамда Париж, Цюрих, Варшава, Алматы, Бишкекда бўлиб ўтган йирик халқаро кўргазма ва танловларда мамлакатимиз номидан иштирок этишган. Хусусан, «Вақт белгилари»нинг 2010 йилдаги лойиҳаси — «Мен ҳам Аркадияда бўлганман» IV Москва биенналесига қатнашиш учун тақлиф этилган. Бу йили VI «Вақт белгилари» кўргазмасида намойиш этилган суратлар Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ярат» галереясида намойиш этилади.

«Туркистон-пресс»

Мамлакатимизда ерсти силқинишларининг зарарли оқибатларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси сейсмология институти олимлари кенг кўламли кузатиш ишларини олиб боришмоқда. Илмий муассасанинг геофизик майдонлар лабораторияси тadbиротлари ҳам самарали кечмоқда.

«Аҳолини силқилар оқибатида юзага келадиган фавқуллодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш» комплекс дастури ижросини таъминлашга қаратилган тadbирлар амалга оширилмоқда. Ана шу муҳим вазиятларни ҳал этиш мақсадида қатор услубий кўлланимлар босмага тайёрланди.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРГА ОИД ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАРИ

ташкилоти билан ҳамкорликда ўқувчилар учун силқилов ва бошқа тусдаги фавқуллодда вазиятлар юз берганда тўғри ҳаракат қилиш бўйича ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида қўлланимларни нашрдан чикардиди. Шу билан бирга аҳоли учун турли кўргазмалари ўқув куроллари ҳам тайёрланди. Акбар АЛИЕВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Тошкент оқшоми» ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИЛДИ ВА САХИФАЛАНДИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханоси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Ўз-Ўз ўрганиб домо бивур МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ Кимнинг аслида кимлиги ўз манфаати билан юзма-юз келганида маълум бўлади...

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 304-сонли ўрта мактаб томонидан 2009 йилда Кадирова Нафиса Мансур қизи номига берилган U 4031742 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎзГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиغا кўра, 7 декабрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида 7 декабрь куни ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Шарқдан секундининг ифлосланиши даражаси 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-7 даража илқ, мин қилинмоқда, тағмиқ-кундузи — 17-20 даража дори наст бўлади.